

 Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

«ЯНГИ НАФАС» АНДИЖОНДАН БОШЛАНДИ



Андижон шаҳрида “Янги нафас” шиори остида марафон бўлиб ўтди. Вилоят марказининг Ўзбекистон кўчаси бўйлаб уюштирилган югуриш марафонида турли ёшдаги спортсеварлар иштирок этдилар. Жумладан, 2003-2004 йилда туғилган ўсмир қизлар, таълим соҳаси вакиллари, ҳарбийлар ва кексалар иштирок этдилар.

-Марафон мамлакатимизнинг энг шарқий ҳудуди бўлган Андижонимиздан бошланиб, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида ниҳоясига етади, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Ўткирбек Тошпўлатов. – Марафон ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси, Енгил атлетика федерацияси ва Андижон вилояти ҳокимлиги.

Старт чизигига тўпланган икки мингга яқин қўнгиллилар гурухларга бўлинган ҳолда беллашдилар. Асосан ёшлардан иборат соғлом турмуш тарафдорлари орасида ўқитувчилар, енгил атлетика билан мунтазам шуғулланувчилар, кексалар ҳам бор.

Спорт кийимидағи бир гурух нуроний отахонлар ва онахонлар чехраси қуёшли куз тафтидай илик.

-Бир неча ойдан бўён кунни тонгда яёв юришдан бошляяпмиз, — дейди Андижон шаҳар ҳокимлиги оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўлимининг кексалар ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Тоҳиржон Тўйчиев. – Эрта тонгдан фаол нуронийлар автомобиллардан холи кўчаларнинг бири бўйлаб сайд қилишни одатга айлантиридик. Кексаликка йўл бермаётганлар орасида 80 ёшни қоралаб кўйган Қобилжон ота Суяров, Азимжон ота Комиловлар бор. Бугунги марафонда яёв юриш учун келганлардан Турсунбой Рустамов, Абдуносит Маматхўжаев, Абдурашид Ниёзов кабиларни айтиш мумкин.

Старт чизигидан марра чизигигача бўлган уч минг метр масофани юргушиб ўтганлар асосийси ютиш эмас – иштирок этиш тамойилига амал қилдилар. Шундай бўлсада, ҳар қандай мусобақада бўлгани каби биринчилар марафон ғолиблари сифатида эътироф этилдилар. Уларга вилоят ҳокими Шухратбек Абдураҳмоновнинг совғалари топширилди.

Тадбир якунида Қорақалпоғистондаги музей учун эстафета баннерига андижонликлар номидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўткирбек Шукуров ўз тилакларини ёзиб қолдирди.

Андижон вилояти ҳокимлиги

МАТБУОТ ХИЗМАТИ